

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Иқтисодий тараққиёт ва
камбағалликни қисқартириш
вазирлигининг биринчи ўринбосари,
Кенгаш раиси

И.Норкулов

“ 17 ” сентябрь 2021 йил

“Коррупциясиз тараққиёт сари” шиори остида ўтказилаётган “Ўхалол меҳнат ва инсоф – барака манбаи” танловининг НИЗОМИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тизимидаги ходимлар ўртасида “Ўхалол меҳнат ва инсоф – барака манбаи” танлови (кейинги ўринларда Танлов деб юритилади) ни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.
2. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш ихтиёрий, ошкоралик, холислик, тенглик тамойилларига асосланган ҳолда амалга оширилади.
3. Танлов Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири томонидан тасдиқланган Вазирлик тизимда маънавий-маърифий ишларнинг янги тизимини яратиш бўйича 2021 йил учун “Йўл харитаси”га мувофиқ, Вазирлик ходимлари ўртасида коррупцияга қарши курашиш ва ҳалол меҳнат маданиятини ривожлантиришга қаратилган танлов ҳисобланади.
4. Вазирликда фаолият юритаётган барча ходимлар танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга.
5. Танлов «Иқтисодиётда коррупцияга барҳам бераман» мавзусидаги концептуал лойиҳа асосида ташкил этилади.
6. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш Вазирлик Маънавият ва маърифат Кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб юритилади) томонидан амалга оширилади. Кенгаш танлов Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколатига эга.
7. Танлов ғолибларини тақдирлаш ZOOM платформаси орқали онлайн тарзда ўтказилади.

2-боб. Танловдан кўзланган мақсад ва вазифалар

8. Танловни ташкил этишдан асосий мақсад – вазирлик олдида қўйилган устувор вазифа ва функцияларни бажаришда тўсқинлик қилаётган, соҳаларда учраётган коррупция билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ҳамда уларга ечим

топиш йўли билан тизимда коррупцияга барҳам беришдан иборат. Шунингдек, тизимда ходимлари ўртасида Ҳалол меҳнат ва инсоф – барака манбаи эканлигини онгига сингдиришдан иборат.

9. Танловни ташкил этиш орқали қуйидаги вазифалар бажарилиши кўзда тутилади:

- Макроиқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва юритиш;
- Камбағалликни қисқартириш;
- Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш;
- Мамлакатда тадбиркорликни тараққий эттириш;
- Саноатнинг устувор тармоқларини ривожлантириш – ягона индустриал сиёсатни юритиш;
- Давлат иштирокидаги корхоналарни трансформация қилиш;
- Давлат инвестиция сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш;
- Инфратузилмани ривожлантириш ва урбанизация сиёсатини юритиш;
- Жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий алоқаларни фаоллаштириш соҳасида учраётган коррупцион ҳаракатларнинг олдини олишдан иборат.

3-боб. Танловни ўтказиш тартиби

10. Вазирлик тизимида фаолият юритаётган ходимлар ўзларининг **“Иқтисодиётда коррупцияга барҳам бераман”** мавзусидаги концептуал лойиҳалари (*лойиҳанинг ҳажми камида 3-5 бетдан иборат Times New Roman 14 шрифтда*) билан иштирок этади.

11. **“Иқтисодиётда коррупцияга барҳам бераман”** мавзусидаги **Концептуал лойиҳани** шакллантириш:

Ҳар бир иштирокчи вазирликнинг олдида қўйилган устувор вазифа ва функциялардан келиб чиққан ҳолда (*Макроиқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва юритиш, Камбағалликни қисқартириш, Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, Мамлакатда тадбиркорликни тараққий эттириш, Саноатнинг устувор тармоқларини ривожлантириш — ягона индустриал сиёсатни юритиш, Давлат иштирокидаги корхоналарни трансформация қилиш, Давлат инвестиция сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, Инфратузилмани ривожлантириш ва урбанизация сиёсатини юритиш ҳамда Жаҳон ҳамжамияти билан иқтисодий алоқаларни фаоллаштириш ва бошқа тегишли соҳаларида*) **“Иқтисодиётда коррупцияга барҳам бераман”** мавзусини танлайди ва муайян талаблар асосида ўз концепциясини баён этади.

Концепция матнида — Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, фармойиши ва қарорлари, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарор ва кўрсатмалар

ҳамда вазирликнинг олдига қўйилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, ўзи фаолият кўрсатаётган иқтисодий бошқарма (ташкилот)да коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга доир маълумотларга эътибор бериш лозим.

“Иқтисодиётда коррупцияга барҳам бераман” лойиҳасининг мақсади мавжуд муаммо ва унинг долзарблиги, ҳал этиш учун нима қилмоқ керак, қачон? қаерда? Кимлар билан ҳамкорликда каби саволлар ва уларнинг ечимлари кўрсатилади.

Резюме – лойиҳанинг қисқача мазмунини ифодалаш, бунда реал, тушунарли, аниқ, қисқа ва эриша оладиган масалалар ёритилади.

Лойиҳанинг вазифаси (аниқ белгиланган вазифалар кўрсатилади).

Лойиҳани амалга ошириш йўллари, усуллари (лойиҳанинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда нима иш қилиниши, ким томонидан амалга оширилиши, қандай ресурслардан фойдаланиши аниқ ифодаланади).

Лойиҳани амалга ошириш босқичлари (белгиланган вазифаларнинг босқичма-босқич амалга ошириш механизми кўрсатилади).

Лойиҳадан кутилаётган натижа (лойиҳа амалга оширилганда қандай натижага эришилади).

4-боб. Танлов босқичлари

12. Танлов 2 босқичда ўтказилади, жумладан:

1-босқич – ҳудудий босқичи: жорий йилнинг 21-24 июнь кунлари вазирлик ҳудудий бош бошқармалари (*туман, шаҳар*) ва идоравий мансуб ташкилотларида фаолият олиб бораётган ходимлар ўртасида ўтказилади.

2-босқич – финал босқичи: жорий йилнинг 25-30 июнь санасига қадар ҳудудий, яъни, ҳар бир бошқарма ва идоравий мансуб ташкилотлардан 1-ўринни эгаллаган ходимлар иштирокида ўтказилади.

13. Танловнинг 1-босқичини ўтказиш тартиби:

1-босқич. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг тегишли буйруғи асосида бошқарма (ташкилот) бошлиқлари раислиги ҳамда келишув асосида Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссияси билан ҳамкорликда ташкил этилади ва ўтказилади;

Танловнинг 1-босқичида тизимда самарали фаолият юритаётган (камида 2 нафар) ходимлар иштирок этади;

1-босқич якуни бўйича **1-, 2-, 3-ўрин ғолиблари** аниқланади ва бошқа иштирокчиларга эришган натижаларига кўра номинациялар белгиланади;

Вазирлик ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари ташкилий кўмитасининг қарори, иштирокчининг **“Иқтисодиётда коррупцияга барҳам бераман”** мавзусидаги концептуал лойиҳаси, тавсия

этувчи буйруқ ва бошқа тегишли ҳужжатлар **жорий йил 19 июнига қадар** Вазирлик Маънавият ва маърифат Кенгашига тақдим этилади.

14. Танловнинг 2-босқичи (финал)ни ўтказиш тартиби:

Вазирлик Маънавият ва маърифат Кенгашининг қарори билан танловнинг финал босқичини ўтказиш куни белгиланади, иштирокчилар рўйхати, ҳакамлар ҳайъати таркиби тасдиқланади.

Танловнинг финал Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, ҳудудий бош бошқармалар, идоравий мансуб ташкилотларида **1-босқич ғолиби бўлган ходимлар** ўртасида ўтказилади;

Финал иштирокчилари учун саволлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан иштирокчиларнинг лойиҳасидан келиб чиқиб, кўп вариантлилиқ асосида тайёрланади;

- Вазирлик Маънавият ва маърифат Кенгаши ишчи гуруҳи (*ҳакамлар ҳайъати*) томонидан иштирокчиларнинг **“Иқтисодиётда коррупцияга барҳам бераман”** мавзусидаги **концептуал лойиҳаси** ва тегишли ҳужжатлари қуйидаги баҳолаш мезонлари асосида ўрганилиб, **жами 50 балл** билан баҳоланади.

15. Концептуал лойиҳани ва ҳужжатларни баҳолаш мезонлари:

1-шарт. Таништирув (5 дақиқа) – иштирокчилар ижодий ёндашган ҳолда **“Иқтисодиётда коррупцияга барҳам бераман”** мавзусидаги концепциянинг тақдиротини қилади (*лойиҳадан кўзланган мақсаднинг аниқ, асосли, тушунарли ва пухта белгиланганлиги; лойиҳанинг жорий этилиши, белгиланган вазифаларнинг амалга ошириш босқичлари,*) – **20 баллгача;**

2-шарт. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тайёрлаш (5 дақиқа) – Тайёрланган лойиҳанинг тақдироти (инфографика) қисқа, тушунарли тайёрлаш – **10 баллгача;**

3-шарт. Муаммо ва ечим (5 дақиқа) – мавжуд муаммони **тўғри аниқлай олганлиги** ва уни ҳал қилиш бўйича аниқ ечимли таклиф берилганлиги. Муаммоли вазиятга тўлиқ ечим очиб бериш **10 — баллгача;**

4-шарт. Лойиҳа ҳимояси (5 дақиқа) – иштирокчиларнинг ўз лойиҳаларидан келиб чиқиб мутахассис ва экспертлар томонидан саволлар берилади (саволлар аввалдан тайёрланган бўлади, ҳар бир савол учун 1 дақиқадан вақт берилади) – **10 баллгача;**

16. Умумий 50 балл. Энг кўп балл тўплаган иштирокчи Танловнинг мутлақ ғолиби ҳисобланади.

17. Танловнинг финал босқичи ҳакамлар ҳайъати таркиби малакали соҳа мутахассисларидан ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг масъул ходимларини жалб қилган ҳолда тузилади.

18. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари тасдиқланган баҳолаш мезони асосида иштирокчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини баҳолаб боради. Баҳолашда ҳар бир ҳакам ўз баллини қўяди ва ўртача баллни чиқариб натижасини эълон қилади.

19. Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг хулосалари асосида Танловнинг финал босқичи ғолиблари (1-, 2-, 3-ўрин) аниқланади ҳамда бошқа иштирокчиларга эришган натижаларига кўра номинациялар белгиланади.

5-боб. Ғолибларни тақдирлаш

20. Танловнинг финал босқичида ғолибликни қўлга киритган (1,2,3 ўринлар) ходимлар ўрнатилган тартибда **“Иқтисодиётда коррупцияга барҳам бераман” танловининг** I, II, III — даражали дипломлари шунингдек, **1 ўрин – 6 000 000 (олти миллион) сўм; 2 ўрин – 5 000 000 (беш миллион) сўм; 3 ўрин – 4 000 000 (тўрт миллион) сўм** пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

6-боб. Якуний қоидалар

21. Кенгаш котиби танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда ягона илмий-услубий ёндашувни таъминлайди, ҳакамлар ҳайъати, Ишчи гуруҳи таркибини шакллантиради, тасдиқлайди ҳамда синов топшириқларини тайёрлайди.

22. Танловнинг Низомига риоя қилмаган иштирокчилар ҳакамлар ҳайъати қарори билан танловдан четлаштирилади.


(O. Podukhin)


(O. Podukhin)

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқартириш вазирлигининг “**Халол меҳнат ва инсоф – барака манбаи**”
танловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича **финал босқичи**
Ҳакамлар ҳайъати таркиби

- | | | |
|-----|-----------------------|--|
| 1. | С. Қўйчиев | Юридик департамент директори ўринбосари,
Ҳакамлар ҳайъати раиси |
| 2. | О. Махмудов | - Вазирнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини
ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя
этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси
в.в.б., Ҳакамлар ҳайъати аъзоси |
| 3. | И. Умрзаков | - Макроиқтисодий сиёсат, таҳлил ва прогнозлаштириш
департаменти директори, Ҳакамлар ҳайъати аъзоси |
| 4. | О. Усаров | - Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги таркибий ислохотларни
мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи, Ҳакамлар ҳайъати
аъзоси |
| 5. | А. Давлетьяров | - Инсон капиталини ривожлантириш департаменти директори,
Ҳакамлар ҳайъати аъзоси |
| 6. | И. Маматкулов | - Камбағалликни қисқартириш сиёсатини юритиш
департаменти директори, Ҳакамлар ҳайъати аъзоси |
| 7. | В. Рахимов | - Худудларни комплекс ривожлантириш департаменти
директори, Ҳакамлар ҳайъати аъзоси |
| 8. | О.Шарипов | - Саноат сиёсатини юритиш департаменти директори,
Ҳакамлар ҳайъати аъзоси |
| 9. | Х. Темирмалик | - Саноат тармоқларини комплекс ривожлантириш
департаменти директори, Ҳакамлар ҳайъати аъзоси |
| 10. | Э.Бобурбек | - Давлат инвестиция сиёсатини шакллантириш ва таҳлил қилиш
департаменти директори, Ҳакамлар ҳайъати аъзоси |
| 11. | Ю.Джуманазаров | - Йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация
инфратузилмасини ривожлантириш департаменти директори,
Ҳакамлар ҳайъати аъзоси |
| 12. | Р. Рустам ўғли | - Урбанизацияни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи,
Ҳакамлар ҳайъати аъзоси |
| 13. | Ш.Маткаримов | - Интеграция ва икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни
ривожлантириш департаменти директори, Ҳакамлар ҳайъати
аъзоси |
| 14. | Т. Хусанов | - “Бизнес юритиш” ва бошқа халқаро рейтинглар билан ишлаш
бошқармаси бошлиғи, Ҳакамлар ҳайъати аъзоси |
| 15. | У. Холбадалов | - Инновацион ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш
бошқармаси бошлиғи, Ҳакамлар ҳайъати аъзоси |
| 16. | С. Кодиров | - Хусусий секторни таҳлил қилиш ва ривожлантириш
бошқармаси бошлиғи, Ҳакамлар ҳайъати аъзоси |
| 17. | Д. Юлдашхужа | - Ишлар бошқармаси бошлиғи, Ҳакамлар ҳайъати аъзоси |

*Изоҳ: Ҳакамлар ҳайъати аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга
янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариши зиммасига юкланган шахслар
киритилади.*


(О.Махмудов)


(О.Маткаримов)

Ҳакамлар ҳайъати намунавий таркиби

- | | | | |
|----|--------|---|--|
| 1. | Ф.И.Ш. | - | вилоят бошқармаси бошлиғи, Ҳакамлар ҳайъати |
| | | | раиси |
| 2. | Ф.И.Ш. | - | Юрист |
| 3. | Ф.И.Ш. | - | |
| 4. | Ф.И.Ш. | - | |
| 5. | Ф.И.Ш. | - | |
| 6. | Ф.И.Ш. | - | |
| 7. | Ф.И.Ш. | - | |

Изоҳ: Ҳакамлар ҳайъати аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янgidан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариши зиммасига юкланган шахслар киритилади.